

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВА РАЙХОН ПАРДАЕВНА

КОМОРБИДЛИ ГЕРПЕТИК ИНФЕКЦИЯЛАРДА УЧ ШОХЛИ НЕРВ
НЕВРАЛГИЯСИНИНГ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ, ДАВОНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Расулова Райхон Пардаевна

Коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв
невралгиясининг кечиш хусусиятлари, давони
такомиллаштириш

3

Расулова Райхон Пардаевна

Особенности течения невралгии тройничного нерва при
коморбидных герпетических инфекциях, совершенствование
лечения.....

23

Rasulova Raykhon Pardaevna

Features of the course of trigeminal neuralgia in comorbid herpes
infections, improvement of treatment
.....

44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВА РАЙХОН ПАРДАЕВНА

КОМОРБИДЛИ ГЕРПЕТИК ИНФЕКЦИЯЛАРДА УЧ ШОХЛИ НЕРВ
НЕВРАЛГИЯСИНИНГ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ, ДАВОНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3817 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Куранбаева Сатима Раззаковна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Раимова Малика Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гайбиев Акмал Ахмаджонович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат
тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___»_____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй, Тел./факс: +998(78) 150–78–25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: +998 (71) 214–82–90

Диссертация автореферати 2025 йил «___»_____ да тарқатилди.

(2025 йил «___»_____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра¹, уч шохли нерв невралгиясининг учраш тезлиги 100000 аҳолига 30–50 ҳолатни ташкил этади, ҳар 10000 аҳолига 2–4 бемордан тўғри келади. Аёллар орасида ушбу касаллик эркакларга нисбатан кўпроқ учрайди. Герпес инфекцияси билан касалланган беморларнинг тахминан 45% ҳар куни давомли оғриқдан, 23% кун бўйи узлуксиз оғриқдан, 42% эса "азобли" ва "интенсив" оғриқ хуружларидан жабр кўриши касалликнинг ижтимоий ва тиббий аҳамиятини янада оширмоқда. Герпетик инфекциялар вирусли касалликлар орасида ўлим ҳолатлари бўйича гриппдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида ҳар йили 20 миллионга яқин киши герпес инфекциясининг турли шакллари билан касалланади. Ушбу инфекциялар билан боғлиқ невропатик оғриқ синдромлари, жумладан уч шохли нерв невралгияси, клиник неврологияда энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда.

Жаҳонда коморбидли герпетик инфекциялар ва улар билан боғлиқ невралгияларни эрта аниқлаш, хавф омилларини баҳолаш ҳамда индивидуал терапевтик ёндашувларни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Герпетик инфекцияларни ўз вақтида ташхислаш барқарор невралгиялар ривожланишининг олдини олиш, оғриқ синдромининг интенсивлигини камайтириш, невровакуляр зарарни чеклаш ва беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Шу боисдан, герпес вирусининг патогенетик механизмларини чуқур ўрганиш, вируснинг нейрон ва глиал тўқималарга таъсирини аниқловчи биомаркерларни баҳолаш, шунингдек клиник кўрсаткичлар билан боғлиқ ҳолда индивидуал даво стратегияларини ишлаб чиқиш замонавий неврологиянинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида герпетик невралгиялар учун биомаркерларга асосланган рационал диагностика алгоритмларини яратиш, касалликнинг динамик кечишини моделлаштириш ва даволашни персоналлаштириш имконини берувчи самарали тиббий ёндашувлар шаклланимоқда.

Мамлакатимизда ҳам тиббий ёрдамни ривожлантириш, жаҳон стандартларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга

¹ <https://www.who.int/ru/news/item/14-03-2024-over-1-in-3-people-affected-by-neurological-conditions-the-leading-cause-of-illness-and-disability-worldwide>

кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиқиб, коморбидли герпетик инфекцияларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий ёрдам даражасини кўтариш учун аҳоли ўртасида профилактика тадбирларини олиб боришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда герпес вируслари билан боғлиқ неврологик асоратларни ўрганиш бўйича илмий изланишлар жадал фаоллашди. Хорижий адабиётларда герпетик инфекциянинг нейротроп хусусиятлари, вируснинг орқа мия ва краниал ганглияларда персистенцияси, шунингдек унинг қайта фаоллашиши натижасида ривожланадиган яллиғланиш, фиброз ва нейронал деструкция механизмлари атрофлича баён этилган (Saguil A. et al., 2017; Thompson RR. et al., 2020). Илмий манбаларда герпес патогенларининг инсон организмида умрбод сақланиб қолиш қобилияти, қайта фаоллашиш пайтида интенсив иммуносупрессия ва шунинг ортидан марказий ҳамда периферик асаб тизимининг чуқур зарарланишига олиб келадиган патофизиологик жараёнлар кенг ёритилган (Т.В. Матвеева ва ҳаммуаллифлар, 2013).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Замонавий тадқиқотларда герпетик инфекция билан боғлиқ асоратлар ичида постгерпетик невралгия, краниал невритлар, менингоэнцефалит ва миелит каби ҳолатлар алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланмоқда. Айниқса, уч шохли нерв зарарланиши бўйича янги маълумотлар кератит, ирит, ретинит ва офталмит каби кўз асоратларининг юқори учраш тезлигини кўрсатади (Ешмолов С.Н. ва бошқалар, 2022).

Эпидемиологик жиҳатдан қаралганда, уч шохли нерв невралгияси бош мия нервлари касалликлари орасида юз нерви невропатиясидан сўнг иккинчи ўринда туради. Аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ касалланиши ҳақидаги маълумотлар ҳам клиник кузатувларда ўз тасдиғини топган (Жўраева Д., 2024). Ҳерпес Zoster ва постгерпетик уч шохли нерв невралгиясида нейропатик оғриқ синдроми беморларнинг ҳаёт сифати ва ҳиссий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиши, уларнинг ривожланиш динамикасини чуқур ўрганиш зарурлигини кўрсатади (Rausch DA. et al., 2017).

Оғир нейропатик оғриқнинг пайдо бўлиши ноцицептив ва антиноцицептив тизимлар ўртасидаги мувозанат бузилиши, марказий оғриқ қайта ишлаш нейронларининг сезгирлик даражаси ошиши ва периферик сенситизация механизмлари билан боғлиқ экани ҳақидаги маълумотлар тобора кўпаймоқда (Харченко Ю.А., 2014). Бир қатор тадқиқотларда серотониннинг оғриқ сезувчанлигини марказий тартибга солишдаги роли, шунингдек серотонергик гипоталамик ва стриар тизимларнинг иммун жавобни регуляция қилишдаги аҳамияти таъкидланган (Бородулина И.И. ва ҳаммуаллифлар, 2023; Кашина Ю.В. ва ҳаммуаллифлар, 2023). Бироқ серотониннинг постгерпетик уч шохли нерв невралгиясидаги ўрни ҳалигача етарлича ўрганилмаган йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу каби маълумотлар герпетик невралгияларнинг ривожланишига таъсир этувчи патогенетик омилларни чуқур ўрганиш, оғриқ синдромини моделлаштириш ва нейровегетатив механизмларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади. Бу узоқ давом этувчи, кўп ҳолларда стандарт терапияга чидамли невралгияларда самарали реабилитация стратегияларини ишлаб чиқиш, доривор ва доридармонсиз муолажаларнинг мақбул комбинациясини белгилаш зарурлигини асослаб беради. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар келгусида герпетик невралгияларнинг эрта диагностикаси, даволаш алгоритмларини такомиллаштириш ва клиник прогнозни яхшилашда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ

«Периферик нерв тизимининг касалликлари билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш» (2022-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгиясининг клиник-неврологик хусусиятларини ўрганиш, эрта диагностика ва даво усулларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

коморбидли герпетик инфекция билан кечувчи уч шохли нерв невралгиясининг клиник кечиш хусусиятларини, беморларнинг психоэмоционал ҳолати ва ҳаёт сифатини комплекс баҳолаш;

уч шохли нерв невралгияси ва герпетик инфекция коморбидлиги мавжуд бўлган беморларда қон зардобидаги серотонин миқдорини аниқлаш;

қон зардобидаги серотонин даражасининг оғриқ интенсивлиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлик даражасини баҳолаш;

Коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгиясини эрта аниқлаш даво усулларини оптималлаштиришга қаратилган прогностик мезон ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанган коморбидли уч шохли нерв невралгияли 82 нафар бемор ва 39 нафар уч шохли нерв невралгияли беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Беморларнинг клиник неврологик текшируви, оғриқ интенсивлиги ва хусусияти ВАШ, PainDetect, DN 4; ҳаёт сифати SF-36 сўровномаси, нейропсихологик кўрсаткичлар: Гамельтон (хавотирни баҳолаш учун) HAM-A ва HADS шкалалари, астения даражасини баҳолаш учун MFI-20 шкаласи, умумий ва биокимёвий қон таҳлили, серотонин миқдорини аниқлаш учун периферик қон наъмунаси олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик текширувлар, оғриқ интенсивлиги ва фенотипини аниқлаш мақсадида ВАШ, PainDetect ва DN4 шкалалари қўлланилди. Беморларнинг ҳаёт сифати SF-36 сўровномаси ёрдамида, психоэмоционал ҳолати эса Гамельтоннинг хавотир шкаласи (HAM-A), HADS анкетаси ва астения даражасини баҳолаш учун MFI-20 шкаласи орқали баҳоланди. Лаборатор босқичда умумий қон таҳлили, биокимёвий кўрсаткичлар ҳамда қон зардобидаги серотонин миқдорини аниқлаш учун периферик қон намуналари олиб ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

коморбидли герпетик инфекцияли уч шохли нерв невралгиясида тромбоцитлар миқдорининг ошиши ва қон зардобидаги серотонин даражасининг пасайиши нейропатик оғриқ интенсивлигини

шакллантирувчи омил сифатида асосланган;

уч шохли нерв невралгиясида серотонин даражасининг пасайиши ҳамда унинг ЭЧТ ва С-реактив оқсил кўрсаткичлари билан манфий боғлиқлиги яллиғланиш фонида шаклланивчи нейропатия билан узвий боғлиқ эканлиги аниқланган;

лазеротерапия стандарт даво билан қўлланилганида оғриқ интенсивлигининг сусайиши, оғриқ эпизодларининг частотаси ва давомийлигининг камайиши ҳамда беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларининг яхшиланиши исботланган;

коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгиясининг диагностикаси ва давосини оптималлаштиришга қаратилган мезон ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

С-реактив оқсил кўрсаткичи, ВАШ бўйича оғриқ интенсивлиги ва нейропатик оғриқни баҳоловчи PainDetect ҳамда DN4 сўровномаларининг комплекс қўлланилиши коморбид герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгиясини баҳолашда самарали диагностик мезон сифатида жорий этиш таклиф қилинган.

Коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгиясини даволашда лазеротерапия усулидан фойдаланиш оғриқ интенсивлигини камайтириши ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган терапевтик мезон ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-неврологик, нейропсихологик, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллар асосида коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгияси ривожланиши ва асоратларнинг юзага келиш механизмида серотонинни аниқлашнинг ўзига хослиги, натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулосалар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда намоён бўладики, коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгиясида тромбоцитлар миқдори, серотонин даражаси, ЭЧТ ва С-реактив оқсил ўзгариши невралгиянинг оғир кечишидаги нейроиммун дисфункцияни акс эттириши аниқланиб, ушбу лаборатор кўрсаткичлар асосида эрта диагностика ва клиник прогнозни баҳолашга қаратилган мезонни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв

невралгияси мавжуд беморларнинг қон таҳлилидаги серотонин миқдорларини ҳисобга олган ҳолда диагностик усулни такомиллаштириш, стандарт давога қўшимча равишда лазеротерапия усулини қўллаш PainDetect ва DN4 сўровномалари натижаларига биноан оғриқнинг нейропатик компонентини пасайиши, беморларнинг руҳий саломатлик компоненти ва ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгияси мавжуд беморларни клиник-неврологик, нейропсихологик, лаборатор ва статистик текширув усуллари асосида:

биринчи илмий янгилик: коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгияда тромбоцитлар миқдори серотонин миқдори билан мусбат корреляцион боғлиқлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 27 январь 2025 йилда 01-25/465-7-сон билан тасдиқланган «Коморбид герпесли уч шохли нерв невралгиясини ташхислашни такомиллаштиришга услубий ёндошув усуллари» номли услубий тавсияномада ўз аксини топган. Мазкур таклиф 10.02.2025 йилдаги 01-40-сонли буйруққа мувофиқ Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонасида ҳамда 12.02.2025 йилдаги 41 – I/СН – сонли буйруққа мувофиқ Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* беморларга ўз вақтида ташхис қўйилиш имконини бериб, ушбу патологияни даволаш ишларини эрта бошланиши сабабли беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланган, уларнинг одатдаги ҳаёт тарзига қайтиши билан ижтимоий самарага эришилган. Илмий янгиликнинг *иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгияси билан оғриган беморлар дастлабки аломатларини аниқлаш имконини берувчи лаборатор текширувларни ўтказишни ўз ичига олган ташхисот мажмуаси 1 нафар беморда 1 курс учун 536000 сўмлик иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган. *Хулоса:* Олинган натижалар серотонин миқдорини назорат қилишда тромбоцитларнинг ролини яна бир бор асослаб беради.

иккинчи илмий янгилик: серотонин миқдорининг камайиши оғриқ интенсивлигини баҳоловчи кўрсаткич сифатида, унинг миқдори ЭЧТ ва С-реактив оқсил кўрсаткичлари билан манфий корреляцион боғлиқлиги ҳамда оғриқнинг яллиғланишга боғлиқ нейропатик характерга эгалиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги 27 январь 2025 йилда 01-25/465-7-сон билан тасдиқланган «Коморбид герпесли уч шохли нерв невралгиясини ташхислашни такомиллаштиришга услубий ёндошув усуллари» номли услубий тавсияномада ўз аксини топган. Мазкур таклиф бўйича 10.02.2025

йилдаги 01-40-сонли буйруққа мувофиқ Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонасида ҳамда 12.02.2025 йилдаги 41 – I/CH – сонли буйруққа мувофиқ Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* сурункали герпес вирус инфекцияли тригеминал невралгия ривожланишини амбулатория шароитида аниқлаш касаллигининг тасдиқланган диагностика имконини беради. *Иқтисодий самараси:* коморбидли герпетик инфекцияларда тригеминал невралгия касаллигини эрта аниқлаш ва ташхислаш билан ҳар 1 беморга йилига 1072000 сўмлик иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради. *Хулоса:* ташхислаш ва даволаш учун кетадиган вақтни қисқариши сабабли беморларни иш кунлари сақланиб қолиши ҳисобига эҳтимолий даволаниш харажатларини ва ишлаб чиқаришда қатнишиши натижасида даромад келтириши билан изоҳланади.

учинчи илмий янгилик: лазеротерапия стандарт даво билан қўлланилганида оғриқ интенсивлиги пасайиши ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда юқори самарадорлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 10 январь 2025 йилда 01/64-сон билан тасдиқланган «Коморбидли постгерпетик тригеминал невралгияни даволашга услубий ёндошув» номли услубий тавсияномада ўз аксини топган. Мазкур таклиф бўйича 21 январь 2025 йилдаги 21-сонли буйруққа мувофиқ Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳамда 22 январь 2025 йилдаги 46-I-сонли буйруққа мувофиқ Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* беморларга стандарт давога қўшимча равишда қўлланилган лазеротерапиянинг ўз вақтида тўғри режа асосида бошланиши сабабли оғриқ камайиши ҳисобига иш фаолияти яхшиланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* коморбидли герпетик инфекцияларда тригеминал невралгия билан оғриган беморлар 1 кунга битта беморга 353000 сўм, иқтисодий самара ташхислаш ва даволаш учун кетадиган вақтни қисқариши ҳисобига эришилади. *Хулоса:* Олинган натижалар оғриқ кучли бўлган ҳолатларда ҳам стандарт давога қўшимча равишда лазеротерапиядан фойдаланиш оғриқни камайтиришда юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатади. Лазеротерапия стандарт давога қўшимча равишда қўллаш оғриқ даражасини ВАШ шкаласи, PainDetect ва DN4 сўровномалари натижалари бўйича лазеротерапия оғриқни ва нейропатик компонентини пасайтиришда стандарт давога нисбатан юқори самарадорлик кўрсатади.

тўртинчи илмий янгилик: коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгиясини такомиллаштирилган ташхислаш ва даволаш мезони бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги 10 январь 2025 йилда 01/64-сон билан тасдиқланган «Коморбидли

постгерпетик тригеминал невралгияни даволашга услубий ёндошув» номли услубий тавсияномада ўз аксини топган. Мазкур таклиф бўйича 21 январь 2025 йилдаги 21-сонли буйруққа мувофиқ Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳамда 22 январь 2025 йилдаги 46-1-сонли буйруққа мувофиқ Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* стандарт давога қўшимча тарзда лазеротерапия қўлланилганда беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларидан руҳий саломатлик яхшилانган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Лазеротерапияни комплекс даво таркибида қўллаш даволаш курсларини ўртача 20 кунга қисқартириб ҳар бир бемор учун йиллик харажатлар 5080000 сўм иқтисод қилиш имконини беради. *Хулоса:* Коморбидли герпетик инфекцияларда тригеминал невралгия билан оғриган беморлар стандарт даво режасига лазеротерапия қўшилганда беморлар SF-36 анкетаси кўрсаткичлари натижаларига кўра руҳий саломатлик компоненти яхшиланишида юқори самарадорликка эришилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар, 6 та мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган 5 та республика ва 1 та халқаро журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгиясининг кечиш хусусиятлари, давони**

такомиллаштиришни замонавий талқини (адабиётлар шарҳи)” деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда коморбидли герпетик инфекциялардан касалланган беморларни даволаш, оғриқ синдроми ифодаланиши хусусиятларини, беморларнинг нейropsychологик ҳолатини, ҳаёт сифатини, қон зардобдаги серотониннинг миқдорий таркиби мониторинги кўрсаткичлари батафсил таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **“Коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгиясининг текшириш ва давони такомиллаштириш материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тегишли беморлар ва фойдаланилган усуллар, шунингдек, тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун 2022-2024 йилларда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида жойлашган Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникасига мурожаат қилган беморларда олиб борилди. Бунинг учун 141 нафар уч шохли нерв невралгияси билан касалланган беморлар ва 21 нафар соғлом шахслар танлаб олинди.

Ўрганилган барча шахслар Уч шохли нерв невралгиясининг мавжудлиги ҳамда этиологик омилга кўра 3 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ герпесдан кейинги уч шохли нерв невралгияси билан касалланган 82 нафар (асосий гуруҳ); 2-гуруҳ (қиёсий) бошқа этиологияли уч шохли нерв невралгияси билан касалланган 39 нафар беморлар ҳамда 3-гуруҳи (назорат) сифатида амалий соғлом бўлган 21 нафар шахс олинди.

Беморларни клиник-неврологик саралаб олишда бош ва юз оғриқларининг халқаро классификациясидан фойдаланилди. Герпесдан кейинги невралгия ташхиси тегишли клиник-лаборатор таҳлилда оддий герпес вируси 1-2 тип ва ЦМВ IgG мусбат натижа ва анамнез маълумотлари асосида қўйилди. Уч шохли нерв невралгияси ташхисини қўйишда қуйидагиларга эътибор берилди: хуружлар билан кечувчи, бир неча сониядан бир неча дақиқагача давом этувчи юздаги оғриқларнинг бўлишига; оғриқнинг тўсатдан турли таъсирлар натижасида, жумладан овқатланганда, юзни ювганда, кийим-бош текканда ва шу кабилардан кейин пайдо бўлишига; оғриқни ҳар бир беморнинг ўзига хос стереотипда эканлигига; хуружлар орасида турли хил оралиқ симптомларнинг мавжуд эмаслигига; карбомазепин қабул қилгандан кейин оғриқнинг бироз пасайишига.

Тадқиқотга жалб қилиш қуйидагиларга амал қилган ҳолда олиб борилди: иккала жинсга мансуб, Уч шохли нерв невралгияси

мавжудлиги, анамнезида оддий герпетик тошма, генетал герпетик тошма, сувчечак, Herpes Zoster, ЦМВ, 18 ёшдан катта бўлганлар.

Беморлар оғриқ кучини баҳолаш учун ВАШ шкаласидан (визуал-аналог шкала), оғриқнинг нейропатик компонентларини ўрганиш учун PainDetect ва DN4 сўровномаларидан, нейropsychологик ҳолати Гамельтон шкаласи, HADS ва MFI-20 шкалаларидан, ҳаёт сифатини баҳолаш учун SF-36 сўровномасидан фойдаланилди. Лаборатория: умумий қон, биохимиявий (С-реактив оқсил, ASLO), ИФА усулида серотонин.


Гуруҳлардаги беморлар даволаш усулларига кўра қуйидагича тақсимланди. Тадқиқотга қатнашган беморларнинг асосий гуруҳдан 38 (46,3%) нафарига ва қиёсий гуруҳдан 12 (30,8%) нафарига уч шохли нерв невралгиясининг стандарт даво муолажалари олиб борилди.

Лазеротерапия олиш истагини билдирган 71 (58,7%) нафар В гуруҳ беморларга стандарт давога қўшимча равишда вена ичига ва тегишли нервнинг чиқиш жойига паст интенсивли гелий-неонли лазер нурлари юборилди. LTA "Matriks-ВЛОК" паст интенсивли гелий-неонли ҳамда магнит-инфрақизил лазерли терапевтик нур берувчи "RIKTA" -04/4 аппаратлари орқали лазеротерапия олиб борилди.

Тадқиқот натижалари статистик қайта ишлашда умумқабул қилинган статистик программалар, персонал компьютернинг Microsoft Office Excel-2019 амалий дастур мажмуаси, ўртача қийматларни ҳисоблаш стандарт усуллари асосида амалга оширилди. Иккита мустақил гуруҳни сонли белгилар бўйича таққослаш учун Студентнинг t-критерийи, мослик мезони (χ^2) ҳамда ассоциация коэффициенти қўлланилди. Олинган натижаларнинг ишончлилигини баҳолаш учун тиббиётда кенг қўлланиладиган $p < 0,05$ мезони қабул қилинди. Турли кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун корреляцион таҳлил усули қўлланилди. Боғлиқликларнинг кучи Пирсон корреляция коэффициентлари билан баҳоланди. Боғлиқликларнинг йўналиши эса бу коэффициентларнинг ишораси билан аниқланди.

Диссертациянинг **"Коморбидли постгерпетик уч шохли нерв невралгия кечиш хусусиятлари, оғриқ табиати, ҳиссий ҳолати ва ҳаёт сифатини ўрганиш"** деб номланган учинчи бобида, беморларнинг касалликдан оғриқ хусусиятлари, уч шохли нерв невралгияси асоратлари ҳамда беморларнинг ҳаёт сифати каби кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди. Беморлар касаллик бўйича 3 гуруҳга бўлиб ўрганилди, (1-расм).

Тадқиқотга жалб қилинган беморлар ёш бўйича тақсимланиши 1-расмда кўрсатилган ($p < 0,05$). Ўртача ёши I – асосий гуруҳда 39,5 ёшни, II – қиёсий гуруҳда 47,2 ёшни, III – гуруҳда – соғломлар 27,8 ёшни ташкил қилди.




1-расм. Беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши

Гуруҳлардаги беморлар орасида аёллар кўпчиликти ташкил қилди. Эркаклар улуши асосий гуруҳда 26,8%, қиёсий гуруҳда 20,5% ва соғломлар орасида 47,6% ташкил қилди.

Тадқиқотга жалб қилинган асосий гуруҳ беморларнинг герпетик тошмалар безовта қилиш муддати беморларнинг 9 (10,98 %) нафарини 5 йилгача бўлган вақтдан бери, 42 (51,22%) нафарини тошмалар 5-15 йилдан бери, 31 (37,8%) нафарини 15 йилдан кўп вақт давомида безовта қилаётгани кузатилди. Герпетик тошмаларнинг қанчалик узоқ вақт давомийлиги кузатилса тригеминал нервнинг шунчалик кўп зарарланишидан далолат беради. Герпетик тошмалар фақат асосий гуруҳдаги беморларда аниқланди. Ушбу ўзгаришлар постгерпетик тригеминал невралгия билан оғриган беморларда яна бир протектор сифатида талқин қилинишини англаб етдик.

Тадқиқотимизда асосий гуруҳда (герпес вируси ўтказган беморларда) тригеминал нервнинг 1чи ва 2чи шохига қараганда аҳамиятли кўпроқ зарарланганлигини кузатдик, қиёсий гуруҳ беморларида асосан 3-шохнинг зарарланишини аниқладик (2-расм).



2-расм. Беморларнинг V жуфт нерв шохларининг зарарланиши бўйича тақсимланиши


Постгерпетик нейропатик оғриқ, ноцицептив ва антиноцицептив тизимлар ўртасидаги ўзаро таъсирларнинг бузилишидан соматосенсор тизим шикастланиши туфайли келиб чиқади. Тригеминал

нервнинг сезувчи шохи минимал димиелинизацияси туфайли герпес вируси офталмик (1 шохи) сезги шохига тарқалади.

Олинган натижалар коморбид ГКУНН аксарият ҳолатларда V жуфт нервнинг 1-шохи зарарланишини кўрсатди.

Тадқиқотимизда асосий-коморбид ГКУНН гуруҳнинг 49 (59,8%) нафарида оғриқ асосан юзнинг ўнг томонида эканлиги, 33 (40,2%) нафарида чап томонида кузатилганлиги аниқланган бўлса, қиёсий-УНН гуруҳида бу кўрсаткичлар тескарини кўрсатди. Унга кўра ушбу гуруҳда 16 (41%) нафар беморларда оғриқ юзнинг ўнг тарафида кузатилса, 23 (59%) нафарида юзнинг чап тарафида эканлиги аниқланди. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки коморбид ГКУНН билан касалланган беморларда оғриқ асосан юзнинг ўнг томонида кузатилади экан (бизда шунақа кузатилди).

Беморларда оғриқнинг кучи ВАШ шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич асосий гуруҳда $7,3 \pm 0,1$ бални, қиёсий гуруҳда эса $5,5 \pm 0,2$ бални ташкил қилди. Асосий гуруҳда ВАШ шкаласи бўйича қиёсий гуруҳга нисбатан 1,8 балга юқори эканлиги ва бу фарқ статистик ишончли эканлиги аниқланди ($p < 0,001$). Беморларни ВАШ шкаласи бўйича оғриқ кучларини таҳлил қилиш натижалари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Беморларнинг ВАШ шкаласи бўйича оғриқ кучларига кўра тақсимланиши

Кучли оғриқ ҳис қилувчилар улуши асосий гуруҳда назорат гуруҳига қараганда 4,0 марта кўп учраши ($p < 0,001$), ўртача доимий оғриқдан азият чекувчилар эса нисбатан камроқни ташкил қилиши ($p < 0,05$) аниқланди.

ДН 4 натижалари бўйича асосий гуруҳдаги барча 4 та ва ундан кўп «ҳа» жавобини берган. Қиёсий гуруҳдагиларда 26 (66,7%) нафари

4 та ва ундан кўп «ҳа» деган жавоб бўлса, 4 тадан кам «ҳа» ва «йўқ» деган жавоблар улуши ушбу гуруҳда 13 (33,3%) нафарни ташкил қилди ($p < 0,001$).


PainDetect орқали оғриқ ўрганилганда олинган натижалар 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

PainDetect натижалари бўйича беморларнинг тақсимланиши (%)

Омиллар градацияси	Асосий-коморбидли ГКУНН (n=82)		Қиёсий-УНН (n=39)		Соғломлар (n=21)	
	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%
оғриқни нейропатик компоненти мавжудлик эҳтимоли кам	17	20,7	13	33,3		
оғриқни нейропатик компоненти мавжуд бўлиши мумкин	30	36,6	22	56,4**		
оғриқни нейропатик компоненти юқори	35	42,7	4	10,3***		
оғриқлар йўқ					21	100

Демак PainDetect ва ДН 4натижалари бўйича ГКУНН беморларида ҳақиқатдан ҳам оғриқларнинг нейропатик компоненти бўлиши ва бунда даволаш муолажаси жуда ҳам қийин ўтиши, уларнинг даволаниб соғайиши яъни оғриқларни пасайтириш учун жудаям узоқ вақт кераклигига аҳамият беришимиз керак. Айнан оғриқ қолдирувчи терапия эмас балки аксонал ўтказувчанликни тузатувчи, нерв толасини тикловчи дори воситаларини кўпроқ ёзишимизни тақозо қилади. Герпес вирусли тригеминал невралгия нафақат сурункаланиши, балки нейропатик оғриқ бўлганлиги ва герпес вируси нерв толасининг миелин қаватини зарарлаши ҳисобига аксонал оғриқларни келтириб чиқаришидан далолат беради. Шунинг учун асосий гуруҳдаги беморларда жараён сурункали босқичга ўтган, буни фақатгина дори воситалари билан эмас, балки таклиф этилган лазертерапия билан даволашни тақозо этади. Беморлар азобланмаслиги учун сурункали герпес вирусли тригеминал невралгияда лазеротерапиянинг самарали натижаларидан фойдаланишимизга туртки бўлди. Бу патологик ҳолатлар беморларга адекват терапия қўллашимизни, узоқ вақт кузатувда бўлишлигини талаб этади.



4-расм. Беморларнинг SF-36 натижалари бўйича тақсимланиши

Ҳаёт сифатини SF-36 сўровномаси бўйича асосий ва қиёсий гуруҳнинг ўртача кўрсаткичлари саломатликнинг руҳий ва жисмоний компонентлари бўйича соғломлар гуруҳидан статистик ишончли даражада фарқ қилди ($p < 0,001$), (4-расм).


Асосий гуруҳда тромбоцитлар ўртача $240,96 \cdot 10^9/\text{л}$ ни ташкил қилган бўлса, қиёсий гуруҳда бу кўрсаткич бироз кўпроқ эканлиги аниқланди ($290 \pm 2,5 \cdot 10^9/\text{л}$). Асосий гуруҳ беморларининг 19 (23,2%) нафарида тромбоцитлар нормадан паст чиққан ҳолатлар ҳам аниқланди. ЭЧТ нормадан юқори бўлган натижалар асосий гуруҳ беморлар 70 (85,4%) нафарини, қиёсий гуруҳда бу кўрсаткич 10 (25,6%) нафарини ташкил қилди ($p < 0,001$).

Асосий ва қиёсий гуруҳларда С-реактив оқсил 12,0-17,9 натижа берганлар улуши статистик ишончли фарқ қилмаган ҳолда қолган натижалар бўйича бир бидан кескин фарқ қилди ($p < 0,001$).

Диссертациянинг **“Коморбидли герпетик инфекцияларда уч шохли нерв невралгияси кечиши ва қон зардобидеги серотонин ўзгаришлари”** деб номланган тўртинчи бобида беморларнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичлари билан серотонин миқдорининг боғлиқлиги ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқотга жалб қилинган 142 нафар беморнинг 96 (67,6%) нафаридан қон зардобини олиниб текширувга юборилди, аммо баъзи бир техник сабабга кўра серотонин миқдорининг натижаси 88 (62,0%) та беморда аниқланди.

Серотониннинг ўртача миқдори асосий, қиёсий ва соғломлар гуруҳларида мос равишда $105 \pm 8,1$, $202,2 \pm 17,7$ ва $307,6 \pm 17,8$ ни ташкил қилиб, соғломларга қараганда қиёсий гуруҳда 1,5 ($p < 0,01$) баробар, асосий гуруҳда эса 2 баробар паст эканлиги аниқланди ($p < 0,001$).




5-расм. Серотонин миқдори ва ВАС шкаласи баллари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

ВАС шкаласи бўйича оғриқ кучи ва серотонин миқдори ўртасидаги боғлиқлик ўрганилганда ўртача кучли тесқари корреляция боғлиқлиги борлиги аниқланди ($r=-0,64$). Олинган натижалар оғриқ кучи ортган сари қондаги серотонин миқдори камайиб боришини исботлайди (5-расм).

PainDetect натижалари ва серотонин миқдори ўзгаришлари баҳоланганда қуйидаги натижаларни олдиқ. Оғриқнинг нейропатик компоненти эҳтимоли ортиши билан серотонин миқдори пасайиб бориши кузатилди. Оғриқ бўлмаганлар ва оғриқнинг нейропатик компоненти юқори бўлганларда серотонин миқдори статистик аҳамиятли даражада фарқ қилди ($p<0,01$).

DN 4 сўровномаси натижалари ва серотонин миқдори ўртасидаги муносабат таҳлил қилинганда серотонин 4 та ва ундан кўп "ҳа" деб жавоб берганларда ўртача 127,5 нг/мл ни ташкил қилган бўлса, 4 тадан кам "йўқ" деб жавоб берганларда 251,8 нг/мл тенг бўлди ($p<0,05$).



6-расм. Тромбоцитлар ва серотонин миқдори ўртасидаги корреляция боғлиқлиги

Тромбоцит ва серотонин миқдори ўртасидаги алоқа ўрганилганда тўғри ўртача кучли корреляция боғлиқлиги борлиги

аниқланди ($r=0,58$), (6-расм).

Олинган натижалар серотонин миқдорини назорат қилишда тромбоцитларнинг ролини яна бир бор асослаб берди. Ҳақиқатдан ҳам герпетик инфекцияда тромбоцитлар сонининг тушиши серотониннинг пасайишига ва айнан герпетик ҳолатларда депрессия, безовталиқ, стресс, астения ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар экан, бундан келиб чиқиб ҳаёт сифатини пасайтириши кузатилди.

Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) ва серотонин ўртасида манфий ўртача кучли корреляция боғлиқлиги аниқланди ($r=-0,50$). ЭЧТ турли хил патологик ҳолатларда ўзгариши маълум. Биз ЭЧТ ва ВАШ шкаласи натижалари ўртасидаги боғлиқликни ўрганганимизда ўртача кучли тўғри боғлиқлик аниқланди ($r=0,56$). Ушбу муносабатларни ўрганиш серотонин миқдорининг ортиши ЭЧТ ва оғриқ интенсивлигига тескари пропорционал равишда ўзгаради деган хулосаларга олиб келди. Бу натижага яллиғланиш жараёни ҳисобидан, яъни герпетик вирусни узоқ давом этганлиги сабабли иммунитет пасайиши ҳисобига иккиламчи инфекцияларни қўзғатганлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Тадқиқотга жалб қилинган жами 142 нафар шахсларнинг 29 нафарида (20,4%) С-реактив оқсил меъёр даражасида эканлиги кузатилди. Аксарият беморларда С-реактив оқсил 6-23 нг/мл оралиғида эканлиги аниқланди.

